

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМУРАТОВА ЗАМИРА ЖУМАМУРАТОВНА

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОМАГНИТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Алламуратова Замира Жумамуратовна

Телекоммуникация тизимларининг электромагнит хавфсизлигини геоахборот
технологиялари асосида баҳолаш усуллари3

Алламуратова Замира Жумамуратовна

Методы оценки электромагнитной безопасности телекоммуникационных
систем на основе геоинформационных технологий17

Allamuratova Zamira Jumamuratovna

Methods for assessing the electromagnetic safety of telecommunication systems
based on geoinformation technologies31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works35

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.28.12.2017.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМУРАТОВА ЗАМИРА ЖУМАМУРАТОВНА

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОМАГНИТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация
тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т201 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джуманов Жамолжон Худайкулович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рахимов Бахтиёржон Неъматович
техника фанлари доктори, доцент

Алиев Равшан Маратович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Т.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Х. Сиддиқов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Т.Н. Нишонбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Б. Усманова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги вақтда атроф-муҳитда электромагнит майдон тарқалишини таҳлил қилиш усуллари ва воситаларини, радиотехник воситалар нурланишлари жойлашган ҳудудларнинг электромагнит ҳолатини мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда ривожланган давлатларда, хусусан Швеция, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, АҚШ, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Австралия ва Россияда радиотехник алоқа воситаларининг электромагнит майдонларини доимий мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш муаммолари ечилмоқда ҳамда атроф-муҳитни электромагнит хавфсизлигини таъминлаш, замонавий геоахборот технологияларини интеграцияси асосида электромагнит нурланиш даражасини аниқлаш ва инсон саломатлигига таъсир даражаси бўйича баҳолаш тизимларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда техника соҳаси ривожланган кўплаб давлатларда аҳолини ионлашмайдиган нурланишлардан ҳимоя қилиш бўйича Миллий қўмиталар ташкил этилган бўлиб, электромагнит майдоннинг биологик таъсирини тадқиқ этиш ва электромагнит нурланиш шароитида аҳоли ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш миллий дастурлари амалга оширилган бўлиб, ушбу дастурлар доирасида электромагнит майдонларнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ва замонавий геоахборот технологиялари асосида телекоммуникация тизимларининг электромагнит нурланиши даражасини комплекс баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда ҳозирги кунда телекоммуникация тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш, муайян кенг полосали тармоқларга уланишни кенгайтириш, магистрал телекоммуникация тармоқларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва кенгайтириш йўли билан, шунингдек, рақамли телевидения, интернет, симли ва симсиз алоқа тизимларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш орқали аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирларилари амалга оширилмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, шу жумладан мураккаб архитектура қурилишлари шароитида уяли алоқа базавий станцияларини қамров ҳудудларини кенгайтириш, радио каналларнинг хусусиятларига ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, электромагнит хавфсизлигини ўрганиш ва электромагнит ҳолати мониторинги учун ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш усулини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида бир қатор вазифалар, жумладан «...1843 таянч алоқа станцияларни ўрнатиш ва бутун мамлакат бўйлаб уяли алоқа тармоқларини кенгайтириш»¹, 2013-2020 йилларга мўлжалланган Миллий ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш бўйича дастур доирасида ахборот-коммуникация

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

технологияларини жорий этиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда ва унинг асосини телекоммуникация инфратузилмаси ташкил этади.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 февралдаги ПҚ-2126-сонли «Миллий мобил алоқа оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сонли «Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 августдаги 273-сонли «2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида» қарорларида ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республикада фан ва технологияларини ривожлантиришнинг IV-«Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» йўналиши бўйича олиб борилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида, шу жумладан, Ўзбекистон илм-фани соҳасида электромагнит тўлқинларни баҳолаш, атроф-муҳит нурланиши даражасини қурилма воситалар асосида назорат қилиш, башоратлаш ва баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар ҳам кенг қамраб олинмоқда. Ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг нисбатан катта қисми тиббий-биология йўналишида бўлиб, биологик тўқималарнинг электромагнит тўлқинлар билан ўзаро таъсири масалалари ва атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларини меъёрлаштириш билан ўзаро боғланган, ҳамда асосан ICNIRP, IARC, ILO, ITU каби халқаро лойиҳалар доирасида кўплаб Европа ва Ғарб мамлакатларининг иштироки билан амалга оширилмоқда.

Илмий-техник йўналишдаги муаммоларни ҳал қилишда, электромагнит тўлқинлардан ҳимояланиш усулларини, воситаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш мақсадида, радиотехника жиҳозларини ва уларнинг параметрларини электромагнит хавфсизлик ва техник самарадорлик мезонларига мувофиқ жойлаштиришни мукамаллаштириш борасида сўнгги йилларда илмий тадқиқотлар қуйидаги хорижий олимлар томонидан Л.Диез (Испания), С.Оливеира (Португалия), Г.Драпер (Англия), С.Гилицерти (Италия), Д.Петер, А.Валберг (АҚШ), К.Ямазаки (Япония), Т.К.Клер (Ҳиндистон), Ж.Исабона (Нигерия), Хе Жун (Хитой), К.Швингеншуч (Франция), Г.Неубауер (Австрия) ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида олиб борилган. Бундан ташқари бу муаммолар МДҲ олимлари В.И.Мордачева (Белоруссия), А.Л.Бузова, О.Н.Маслова, М.Ю.Звездина, Ю.М.Сподобаева (Россия) ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Ўзбекистонда Д.Н.Ликонцев, В.В.Царев, Г.Ф.Габзалилов, А.А.Нигманов, А.Х.Абдукадиров, А.Ш.Шахобиддиновларнинг ультрақисқа тўлқин диапазонида электромагнит майдонларини тарқалиш даражаларини

ҳисоблашнинг математик моделлари, усуллари ва чизиқли алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ишларида базавий станцияларни жойлаштиришда экологик хавфсиз ўринларини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган, шунингдек, санитария-химояланиш ҳудудлари чегарасини аниқлаш усули ҳамда энергия оқими зичлигини аниқлаш усули таклиф этилган.

Ҳозирги вақтда электромагнит ҳолатни таҳлил қилиш ва геоахборот технологиялари асосида радиотехник воситаларни жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, телекоммуникация тизимлари фаол ишлайдиган ҳудудларда электромагнит хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишда қўлланиладиган усуллар, алгоритмлар ва моделларни яратиш масалалари етарлича ўрганилмаган. Телекоммуникация тизимларининг электромагнит хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишда геоахборот технологиялардан фойдаланиш телекоммуникация, ахборот технологиялари соҳасидаги илмий изланишлар кам ўрганилган йўналиш бўлганлиги сабабли электромагнит хавфсизлигини баҳолаш муаммоларини ҳал қилиш учун математик моделлар ва алгоритмларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент Ахборот Технологиялари Университетининг илмий-тадқиқот ишларининг режаларига мувофиқ, қуйидаги лойиҳалар доирасида олиб борилди: А5-020- «Тўлиқ бўлмаган гидрогеологик маълумотларни қайта ишлаш учун аппарат ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), А5-022- «Телекоммуникация тизимларининг электромагнит хавфсизлигини ҳар томонлама баҳолаш учун геоахборот технологияларини интеграцияси» (2015-2017).

Тадқиқотнинг мақсади телекоммуникация тизимларининг фаолият ҳудудларидаги электромагнит ҳолати бўйича баҳолаш усуллари ва қарор қабул қилиш алгоритмларини геоахборот технологиялари ва вазиятли-таҳлил асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

телекоммуникация тизимларининг электромагнит ҳолатини ҳудудий баҳолаш учун геоахборот моделини шакллантириш жараёнини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

телекоммуникация тизимлари фаолият ҳудудини таҳлил қилиш учун электромагнит хавфсизлик нуқтаи назаридан вазиятли-таҳлил асосида алгоритмлар ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш;

телекоммуникация тизимларининг ҳудудий жойлашувининг электромагнит ҳолати бўйича қарор қабул қилиш алгоритмлари, усуллари ва математик моделини ишлаб чиқиш;

телекоммуникация тизимларининг электромагнит ҳолатидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш учун нейро-норавшан ёндашув ёрдамида ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти телекоммуникация тизимларининг нурлантирувчи техник воситалари жойлашган ҳудудлардаги электромагнит вазиятни баҳолаш билан боғлиқ вазифалар синфи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети телекоммуникация тизимларининг нурлантирувчи техник воситалари жойлашган ҳудудларда электромагнит вазият бўйича маълумотларни шакллантириш, қайта ишлашнинг математик моделлари, усуллари, алгоритмлари ва дастурий таъминоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Телекоммуникация тизимлари фаолият кўрсатадиган ҳудудларда электромагнит ҳолатни баҳолаш муаммоларини ҳал қилиш учун Matlab/Simulink, ArcGIS муҳитларида турли хил маълумотлар шароитида математик, геоахборот, қатъиймас ва нейро-норавшан моделлаштириш усуллари қўлланилди. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил қилиш, математик моделлаштириш усуллари, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш алгоритмлари ва эксперт баҳолаш усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация тизимларини электромагнит ҳолатини баҳолашнинг ва телекоммуникация тизимининг топологик элементларини тасвирлаш (кабеллар, қудуқлар, узатувчи антенналар, радиорелейкалар) геоахборот модели ишлаб чиқилган;

телекоммуникация тизими объектлари жойлашган ҳудуднинг электромагнит нурланиш даражасини баҳолаш ва электромагнит ҳолати бўйича қарор қабул қилиш (профилактик, огоҳлантириш, локаллаштириш, қайта тиклаш) алгоритми таклиф қилинган;

электромагнит нурланиш даражасини баҳолаш учун вазиятли таҳлил тизимининг математик модели ва Matlab/Simulink муҳитида дастурий пакети яратилган;

электромагнит хавфсизликни ўрганишда ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш ва геоахборот модели асосида электромагнит нурланишнинг тарқалиш чегаралари ҳамда уларнинг фаоллигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация тармоғининг нурлантирувчи техник воситаларининг жойлашиш ҳудудини электромагнит хавфсизлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш учун вазиятли-таҳлил алгоритми таклиф этилган, у телекоммуникация тизимини геоахборот моделлаштириш орқали амалга оширилган;

телекоммуникация тизими объектлари жойлашган ҳудуднинг электромагнит нурланиш даражасини баҳолаш ва электромагнит ҳолати бўйича қарор қабул қилиш (профилактик, огоҳлантириш, локаллаштириш, қайта тиклаш) алгоритми ишлаб чиқилган;

электромагнит нурланишнинг тарқалиш чегаралари ва уларнинг интенсивлигини аниқлаш учун геоахборот модели асосида электромагнит хавфсизлигини ўрганишнинг ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Телекоммуникация тизимларининг нурланиш техник воситалари жойлашган ҳудудлардаги

электромагнит хавфсизлигини ўрганиш натижаларининг ишончлилиги тажриба маълумотларини норавшан-мантиқий ва геоахборот моделлаш натижалари билан таққослаш орқали эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик таҳлил, математик статистика, радио тўлқинларининг тарқалиш назарияси, иммитацион моделлаштириш усуллари ва алгоритмлари ёрдамида тадқиқот ва ҳисоблаш натижаларининг юқори даражада мувофиқлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти телекоммуникация тизимларининг нурлантирувчи техник воситалари жойлашган ҳудудда электромагнит хавфсизлигини тадқиқ этиш жараёнларини интеллектуаллаштиришга имкон берадиган вазиятли-таҳлил усулининг норавшан математик моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситаларининг ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти телекоммуникация тизимларининг нурлантирувчи техник воситалари жойлашган ҳудудда геоахборот технологиялари асосида электромагнит хавфсизликни комплекс баҳолаш ва башоратлаш учун вазиятли-таҳлилловчи компютерлаштирилган тизимдан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Телекоммуникация тизимида электромагнит нурланиш ҳолатини комплекс баҳолаш учун ишлаб чиқилган ҳудуднинг геоахборот модели, қарор қабул қилишга кўмаклашувчи вазиятли таҳлил алгоритми, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш усули ва дастурий воситалари асосида:

телекоммуникация тизимларининг электромагнит ҳолатини баҳолаш учун геоахборот моделини шакллантириш алгоритми, телекоммуникация тизимининг топологик элементларини (кабеллар, қудуқлар, алоқа узатувчи антенналар ва радиоалоқа тармоқлари) геоахборот модели асосида электромагнит хавфсизлигини ўрганиш ва тажриба -ҳисоблаш усуллари электромагнит нурланиш тарқалиши чегаралари, уларнинг фаоллигини аниқлаш мақсадида яратилган дастурий модули «Ўзбектелеком» Акционерлик жамиятининг “Каракалпак телеком” филиалида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7399-сонли маълумотномаси). Натижада электромагнит нурланиш тарқалиши чегаралари ва уларнинг фаоллигини аниқлаш, электромагнит нурланиш даражаси ҳамда геоахборот моделларининг тематик қатламлари орасидаги корреляцион майдонларни баҳолаш сифати билан боғлиқ бўлган маълумотларни қайта ишлаш жараёнининг самарадорлигини 10-15% га ошириш имкониятига эришилган.

электромагнит нурланиш даражасини баҳолаш алгоритми ва электромагнит ҳолатига қараб қарор қабул қилиш (профилактик, огоҳлантириш, локаллаштириш, қайта тиклаш) телекоммуникация тизими жойлашган ҳудуди, вазиятли-таҳлил тизимининг математик модели ва Matlab/Simulink муҳитида яратилган дастурий восита Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг

«UNICON.UZ» давлат унитар корхонасида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 33-8/2993-сонли маълумотномаси). Натижада телекоммуникация тизимларидаги нурлантирувчи объектларининг мониторингини олиб бориш, шу билан биргаликда электромагнит нурланиш даражасини баҳолаш ва қарор қабул қилиш жараёни самарадорлигини 5-10% га ошириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий анжуманларида ҳамда илмий –тадқиқот семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган. Шулардан 8 та илмий мақола, шу жумладан 2 та хорижий ва 6 та докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан расмий рўйхатдан ўтказилган 2 та ЭҲМ учун дастур гувоҳномаси мавжуд.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Телекоммуникация тизимлари электромагнит хавфсизлигини мониторинг қилишнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш» деб номланувчи биринчи бобида Ўзбекистон ва чет эл олимлари илмий ишларидаги мавжуд телекоммуникация тизимларининг атроф-муҳит мониторинг қилиш хусусиятлари, электромагнит хавфсизлик даражаси ва тарқалишини ҳисоблаш усуллари ҳамда ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳудудларни электромагнит ҳолати бўйича мониторинг ўтказиш жараёнида асосий муаммолар ўрганилаётган ҳудуд бўйича электромагнит нурланиш даражасини аниқлаш, ҳолатини баҳолаш ва олинган маълумотларни қайта ишлаш асосида қарор қабул қилиш тизимини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бундан ташқари, нурлантирувчи радиотехник воситаларни синфлаш, электромагнит тўлқинларининг тарқалишини баҳолашда рухсат этилган норма асосида параметрлар кўрсаткичи чегаралари таҳлил қилинган,

уларнинг асосий таснифлари ва аниқланиш усуллари ўрганилган. Сенсорлар ёрдамида ўлчашни таъминлайдиган мониторинг тизимининг архитектураси ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. Электромагнит ҳолат мониторингини юритиш архитектураси

Шунингдек, ушбу бобда электромагнит ҳолатни кузатиш тизимининг таркибий тузилиши ҳам таклиф этилган бўлиб, ушбу тизим сенсор маълумотларини қайта ишлаш, маълумотлар ва билимлар базаларини шакллантириш, вазиятли ва корреляцион таҳлил модуллари, ҳудудларнинг географик ахборот моделини шакллантириш каби модуллардан иборат.

Диссертациянинг «Телекоммуникация тизимларининг электромагнит хавфсизлигини мониторинг қилиш учун геоахборот ёндошув интеграцияси масалалари» деб номланувчи иккинчи бобда телекоммуникация тизимларининг нурлантирувчи радиотехник воситалари жойлашган ҳудуддаги электромагнит хавфсизлигини баҳолаш масалаларини ҳал қилишда геоахборот технологиялардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган ва электромагнит ҳолатни тезкор баҳолаш учун геоахборот моделлаштириш алгоритми келтирилган. Телекоммуникация тармоғида ГАТ дан фойдаланиш телекоммуникацион тармоғининг геоинформацион модели асосида компьютерда амалга оширилган ҳисоблаш экспериментлари натижаларига таянган ҳолда кам сарф ҳаражатларда юқори даражали сифатдаги ҳисоблашларни амалга ошириш имкониятини беради.

Катта ҳудудларнинг электромагнит ҳолатини моделлаштиришда ГАТ нинг асосий вазифалари электромагнит ҳолатнинг математик моделлари билан ҳудудий маълумотларни, тематик қатламларни ва ҳоказоларни ифодаловчи ҳудуднинг ахборот модели ўртасида ўзаро алоқани ўрнатишдир. Телекоммуникация тизимлари геоахборот моделини ишлаб чиқишнинг топологик асослари, шунингдек телекоммуникация тизимлари электромагнит хавфсизлиги мониторинги учун геомаълумотлар базасини шакллантиришнинг қисқа таҳлили келтирилди, бунда *ArcCatalog* дасурида телекоммуникация тизимлари ГАТ моделининг ташкил этувчилари ва

уларнинг турлари аниқланади. Компонентлар нуқтали, чизикли ва кўпбурчак турларга бўлинади.

Географик тақсимланган объектлар, яъни географик координаталар усулидан фойдаланган ҳолда жойлашувнинг электрон харитографик модели бўйича аниқ ҳисоб-китобларни олиш имконияти қайд этилган. Телекоммуникация тизимининг ГАТ моделининг топологик элементларини жойлаштириш *ArcCatalog*да географик маълумотлар базасини яратишга имкон беради. Тадқиқот ишда географик маълумотлар базаси юкланади ва кейинги босқичда шу асосида ҳудудларнинг хартаграфик модели ишлаб чиқилади, бунинг учун телекоммуникация тизимининг ҳудудий тақсимотининг электрон харитаси ҳамда шаҳар телекоммуникация тизимининг ГАТ моделининг топологик таркибий қисмлари иш столига юкланади.

Шунингдек, рельефни ҳисобга олган ҳолда ер юзаси тўғрисидаги электрон харитаграфик маълумотларнинг масштабини танлаш масалалари кўриб чиқилди, чунки рельефни ҳисобга олган ҳолда нурлантирувчи радиотехник воситаларнинг жойлашиш диапазонини ҳисоблашда хатолик камаяди. Телекоммуникация тизимларининг электромагнит хавфсизлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнига киритилган усулларни қўллашда геоахборот моделларини ишлаб чиқиш ва дастурий иловаларни геоахборот тизимлари билан интеграциялаш учун алгоритмларини ишлаб чиқиш вазифалари тўлиқ ҳисобга олиниши керак.

Диссертациянинг «Электромагнит хавфсизлик ҳолатини баҳолашда вазиятли-таҳлил ёндошуви асосида компьютерли моделлаштириш» деб номланувчи учинчи бобда телекоммуникация тизимларининг нурлантирувчи радиотехник воситалари жойлашган ҳудуднинг электромагнит ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш учун вазиятли таҳлил модели, дастурий воситаси ишлаб чиқилган ва асосланган. Диссертация доирасида электромагнит хавфсизлик ва қарорларни қўллаб-қувватлаш бўйича вазиятли таҳлил қилиш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурнинг тузилиши 2-расмда келтирилган.



2-расм. Телекоммуникация тизимларида электромагнит нурланишни мониторинг қилиш учун вазиятли таҳлил ва қарорларни қабул қилиш тизими

Электромагнит хавфсизлик бўйича телекоммуникация тизимининг ҳолати асосан кўплаб белгилар билан аниқланади, улар ҳудуд релефининг ўзгариши, узатувчи антенналарнинг баландлиги, телекоммуникация тармоғининг нуқта, чизиқли ва майдонли топологик элементларининг нурланиши ҳамда вақт омили сифатида қабул қилиниши мумкин. Эксперт сўровномасини ўтказиш йўли билан рўйхатни телекоммуникация тармоғи жойлашган ҳудуднинг электромагнит ҳолатига таъсир этувчи бошқа омиллари ёки хусусиятларини кўшиш орқали кенгайтириш мумкин.

Электромагнит майдон ҳолати қуйидаги даражалар билан белгиланади:

S_1 – қулай ҳолатида;

S_2 – ўртача даражада кучланганлик ҳолати;

S_3 – юқори даражада кучланган майдонли ҳудуд;

S_4 – электромагнит зарарланган ҳудуд;

Санаб ўтилган электромагнит майдон ҳолатлари бир-бири билан боғланган ва вазнига қараб тартибга солинган, яъни S_1 дан бошлаб ҳар бир кейинги ҳолат ўзидан олдинги ҳолатнинг ҳосиласи, яъни $S_1 \Rightarrow S_2 \Rightarrow S_3 \Rightarrow S_4 \Rightarrow \dots$

S_1, S_2, S_3, S_4 ҳолатларни текшириши жараёнида аниқловчи омиллар (сифат ёки сон тавсифи) қуйидагилар ҳисобланади, параметрларнинг мумкин бўлган ўзгариш диапазонлари қавсда келтирилган:

- $X_1 (E)$ – электромагнит нурланиш ($0 \div 10$ в/м);
- $X_2 (n)$ – ўрнатилган радиотехник объектлар миқдори ($0-50$ б.);
- $X_3 - (L)$ – радиотехник объектлар орасидаги масофа ($1 \div 10$ ш.б. – шартли бирлик);
- $X_4 (N)$ – аҳоли зичлиги ($0; 1000$ б.);

X_1, X_2, X_3, X_4 лингвистик ўзгарувчилари (ЛЎ) қийматларини баҳолаш учун ягона сифат атамалари шкаласидан фойдаланилди (1-жадвал): кичик (К), ўртачадан паст (ЎП), ўртача (Ў), ўртачадан юқори (ЎЮ), юқори (Ю).

Шундай қилиб, телекоммуникация тизимлари жойлашган ҳудуднинг электромагнит ҳолати бўйича бошқарув қарорини қабул қилиш учун мумкин бўлган (s^B), типик (s^T), эталон (s^S) вазиятлар тўпламларини $s^S \subset s^T \subset s^B$ таҳлил қилишга асосланган вазиятли таҳлил ўтказилади.

1-жадвал. Вазиятли таҳлил параметрлари ва уларнинг қийматлари учун лингвистик атамалар

	К	ЎП	Ў	ЎЮ	Ю
$X_1 (E)$	0-1	1-2	2-4	4-7	7-10
$X_2 (n)$	0-10	10-20	20-25	25-35	35-50
$X_3 - (L)$	0-2	2-4	4-6	6-8	8-10
$X_4 (N)$	0-200	200-300	300-600	600-800	800-1000

Бунда, норавшан вазият қуйидаги конструкция ёрдамида шакллантирилади:

$$\langle \Delta \tilde{U}, R, \tilde{C}_{ij} \rangle \Delta \tilde{U} = (\Delta \tilde{h}, \Delta \tilde{c}, \Delta \tilde{m},)^T, R = (H, C, M)^T, \quad (1)$$

$$\tilde{C}_{(i)} = (\tilde{C}_{(i)}, \tilde{C}_{(2)}, \tilde{C}_{(3)})^T$$

бунда, $\Delta \tilde{U}$ - ҳисобга олинувчи белгиларнинг лингвистик боҳоси; R - белгилар бўйича универсумлар; $\tilde{c}_{(i)}$ - белгилар ўзгаришининг боғлиқлик функцияси, у қуйидагича аниқланади;

$$\tilde{c}_{(i)} = \{ \langle \alpha_i / T_1^i \rangle, \langle \beta_i / T_2^i \rangle, \langle \gamma_i / T_3^i \rangle, \langle \delta_i / T_4^i \rangle, \langle \eta_i / T_5^i \rangle \} \quad (2)$$

Боғлиқлик функцияси параметрларини тузиш учун созлашнинг α -даражаси бўйича ҳисобга олинадиган анъанавий шаклдан фойдаланамиз. Мураккаб тизимларнинг норавшан текшириши жараёнининг тажрибасига асосланиб, нурлантирувчи радиотехник воситалар жойлашган ҳудуднинг электромагнит ҳолати билимлар базасида амалга оширилади.

Муайян вазиятда мақбул бўлган алтернативалар тўпламларини (A_U, A_D) шакллантириш, шунингдек қарорларни қабул қилиш (огоҳлантирувчи, профилактик, локал, тикланувчи ёки характерли) жуда мураккаб ва телекоммуникация тизими жойлашган ҳудуднинг электромагнит таъсири омиллари нуфузини оғзаки баҳолаш асосида амалга оширилади. Қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини телекоммуникация тизимининг жойлашишини яхши биладиган етакчи мутахассисларни (эксперт) жалб қилиш асосида амалга ошириш тавсия этилади.

Диссертациянинг «Кегейли тумани телекоммуникация тизимларининг электромагнит ҳавфсизлик ҳолатини комплекс баҳолаш» деб номланувчи тўртинчи бобида Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ҳудудининг электромагнит ҳолати ўрганилди, компьютер моделлаштириш ва Simulink дастурий таъминоти тўпламига асосланган иммитацион модель ҳисоблаш тажрибалари натижалари тақдим этилди. Кегейли тумани ҳудудининг геоахборот модели, географик маълумотлар базаси, ҳудудни ҳисобга олган ҳолда географик жиҳатдан тақсимланган телекоммуникация тизимларининг элементлари ишлаб чиқилган. Топологик компонентлар асосида тематик қатламлар яратилиб, ГАТ моделининг мавзули қатламларини умумлаштириш Кегейли тумани телекоммуникация тармоғининг электрон харитографик моделини беради (3-расм).


Мавзули қатламлардан фойдаланиб, ҳудуднинг умумий ҳолатини кузатиш мумкин. Мавзули қатламларнинг алоҳида ҳолатларини электромагнит ҳолати бўйича биргаликда вазиятларни таҳлил қилиш, улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигига қараб қарор қабул қилиш мумкин. Геоахборот модели бизга мавзули қатламлар ўртасидаги муносабатларнинг корреляцион майдонларини яратишга, шунингдек, ҳудудни ҳар томонлама ўрганишни ташкил этишга ва натижаларни визуализация қилиш орқали ҳудудни таҳлил қилишга имкон беради.

Географик ҳодисаларнинг фазовий ва муҳим хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун кўпинча корреляцион моделлар қўлланилади: жуфт корреляция коэффициентлари, қисман ва кўп сонли алоқа кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

X ва Y тасодифий ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд, агар мустақил ўзгарувчининг X ҳар бир қиймати Y ўзгарувчининг маълум бир

тақсимланишига тўғри келса ва x_i қийматлари ўзгарганда, бу тақсимотларнинг математик кутилмалари y_i табиий равишда ўзгаради. Хусусиятлари бўйича кучли, ўртача ва кучсиз боғлиқликлар сезиларли ажралиб туради.

Кегейли тумани телекоммуникация тизимлари худудидаги вазиятни электромагнит мониторингини шакллантириш шартларини моделлаштириш. Берилган худуднинг геоахборот модели ўзида ҳақиқий объектнинг географик координатали белгиларга эга компьютерли аналогини тақдим этади, у ҳақиқий тажрибани компьютердаги ушбу объектнинг математик модели билан амалга ошириладиган тажриба билан алмаштирилади.



3-расм. Аҳоли пунктларининг тарқалиш чегаралари, электромагнит тўлқинлар ва сонли қийматлар

Диссертация натижалари шуни кўрсатдики, вазияти-таҳлил ва статистик-эҳтимоллик усулига асосланиб ишлаб чиқилган геоахборот моделларидан фойдаланиш нурлантирувчи радиотехник объектлар жойлашган худудда электромагнит ҳолатни баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни самарали ечишга имкон беради.

ХУЛОСА

Диссертация иши якунида куйидаги асосий натижалар ва хулосалар олинди:

1. Замонавий технологиялар ёрдамида электромагнит муҳитни баҳолаш ва электромагнит майдон кучини ўлчашнинг мавжуд усуллари ва воситалари таҳлил қилинди. Ўз навбатида радиотўлқинлар тарқалишининг асосий хусусиятлари ва қонуниятларини аниқлашга хизмат қилувчи 900 МГц частотали радиотўлқинларнинг шаҳар шароитида тарқалиш хусусиятлари таҳлил қилинди.

2. Турли хил маълумотлар шароитида электромагнит муҳит мониторингини олиб бориш тизими архитектураси ва ҳақиқий ўлчов натижаларини самарали қайта ишлаш ҳамда атроф-муҳитнинг электромагнит ифлосланиши интеллектуал таҳлил қилиш алгоритми ишлаб чиқилди.

3. Электромагнит хавфсизликни тезкор баҳолаш учун геоинформацион моделлаштириш ва математик моделларни бирлаштириш алгоритми тақдим

этилган бўлиб, бунда телекоммуникация тизими топологик элементларининг электромагнит нурланишини тезкор баҳолаш учун замонавий ГАТ технологияси интеграция модули яратилди.

4. Телекоммуникация тизимларининг радиотехника ускуналари жойлашган ҳудудда вужудга келувчи электромагнит ҳавфсизлик ҳолатини баҳолаш учун математик модел ва вазиятли таҳлил қилиш алгоритми ишлаб чиқилди.

5. ГИС технологияларидан фойдаланган ҳолда, электромагнит нурланишнинг тарқалиш чегаралари ва интенсивлигини аниқлаш, телекоммуникация тизимларининг электромагнит ҳолатини ўрганиш учун ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш ҳамда огоҳлантириш, локаллаштириш ва қайта тиклаш хусусиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш имконияти яратилди. Бунинг натижасида электромагнит ҳолатни баҳолашда электромагнит нурланиш тарқалиш чегаралари ва уларнинг интенсивлигини аниқлаш учун маълумотларни қайта ишлаш жараёнининг самарадорлигини 10-15% га ошириш имконияти яратилди.

6. Телекоммуникация тизимларининг электромагнит муҳитини баҳолашда комплекс моделлаштириш алгоритми ҳамда Simulink воситаси ёрдамида имитацион модел ишлаб чиқилган. Ушбу таклиф этилган нейрокатъиймас моделлаштириш тизими қарорларни қўллаб-қувватлаш учун самарали восита бўлиб ҳисобланади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани мисолида таянч станциялардан электромагнит нурланишнинг тарқалиш интенсивлиги ва чегаралари аниқланди, телекоммуникация тизимлари жойлашган ҳудуднинг электромагнит ҳолатини баҳолаш учун географик ахборот моделини босқичма-босқич ишлаб чиқиш таклиф этилган. Шунингдек, Кегейли тумани телекоммуникация тизимлари ҳудудининг геоинформацион модели асосида геомаълумотларни таҳлил қилиш ва уларни график изоҳлаш мақсадида бир қатор ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.T.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

АЛЛАМУРАТОВА ЗАМИРА ЖУМАМУРАТОВНА

**МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ЭЛЕКТРОМАГНИТНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОННЫХ СИСТЕМ НА ОСНОВЕ
ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**05.04.01 – «Телекоммуникационные и компьютерные системы, сети и устройства
телекоммуникаций. Распределение информации»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/T201.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.tuit.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Джуманов Жамолжон Худайкулович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Рахимов Бахтиёржон Нейматович
доктор технических наук, доцент

Алиев Равшан Маратович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.28.12.2017.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № ____). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокол рассылки № ____ от «__» _____ 2019 г.).

И.Х. Сиддиков
Председатель Научного Совета
по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

Т.Н. Нишанбоев
Ученый секретарь Научного Совета
по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

Н.Б. Усманова
Председатель научного семинара
при Научном Совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире настоящее время уделяется огромное внимание на разработку методов и средств анализа распределения в окружающей среде электромагнитного поля и систем мониторинга электромагнитного состояния в зоне расположения излучающих радиотехнических средств. В этом направлении ведутся интенсивные исследования в развитых странах, в частности в Швеции, Германии, Великобритании, Франции, Италии, США, Японии, Китае, Индии, Австралии и России решаются проблемы разработки системы постоянного мониторинга электромагнитных полей излучающих технических систем, обеспечения электромагнитной безопасности окружающей среды, определения степени электромагнитной загрязненности на базе интеграции современных геоинформационных технологий, проблемы оценки состояния окружающей среды по электромагнитному фактору и степени влияния на здоровье человека.

В мире во многих технически развитых странах созданы Национальные комитеты по защите населения от неионизирующих излучений, реализованы национальные программы исследования биологического действия электромагнитного поля и обеспечения безопасности человека и окружающей среды в условиях электромагнитного излучения, где в рамках программы изучаются воздействия электромагнитных полей на здоровье человека, и важным является разработка системы комплексной оценки степени электромагнитного излучения телекоммуникационных систем на основе современных геоинформационных технологии.

В республике на данный момент развитие телекоммуникационных сетей и инфраструктуры связи страны ведется путем расширения сетей фиксированного широкополосного доступа, модернизации и расширения магистральных телекоммуникационных сетей, а также мероприятия по совершенствованию системы оказания услуг населению посредством уделения особого внимания развитию цифрового телевидения, интернета, проводных и беспроводных систем связи. В реализации этих задач, в том числе, расширение зон покрытия базовых станций мобильной связи в условиях сложной архитектурной застройки, разработка методов учета влияния внешних факторов на характеристики радиоканала, так же разработка метода проведения вычислительных экспериментов для изучения электромагнитной безопасности и мониторинга электромагнитного состояния считаются одной из актуальных задач. В Республике Узбекистан в рамках Стратегии действий по пяти направлениям развития Республики в 2017-2021 годах отмечены ряд задач, в том числе «...установка 1843 базовых станций и расширение зон покрытия сетей мобильной связи по всей республике»¹, и на сегодняшний день по всей стране установлено более 2 тысяч базовых станций, комплексной программы развития Национальной

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

информационно-коммуникационной системы рассчитанной на 2013-2020 годы ведется интенсивное внедрение информационно-коммуникационных технологии, в котором основой является телекоммуникационная инфраструктура.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 февраля 2014 года №ПП-2126 «О мерах по организации деятельности национального оператора мобильной связи», № ПП -1989 от 27 июня 2013 г. «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан» и Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 августа 2016 года № 273 «Об утверждении Программы мониторинга окружающей природной среды в Республике Узбекистан на 2016-2020 годы» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV-«Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по оценке, прогнозированию и инструментальному контролю степени излучения окружающей среды электромагнитными волнами достаточно широко освещена в мировой, в том числе в научной среде Узбекистана. Относительная большая часть научных исследований в этой сфере посвящена исследованиям медико-биологического направления, которые занимаются вопросами взаимодействия биологических тканей с электромагнитными волнами и нормированием воздействующего фактора на окружающую среду и в основном ведутся в рамках международных проектов, таких как ICNIRP, IARC, ILO, ITU с участием многих европейских и западных стран.

В решении задач научно-технического направления, целью которого является разработка методов и средств анализа и защиты от электромагнитных волн, оптимизации размещения радиотехнических средств и их параметров по критерию электромагнитной безопасности и технической эффективности на территориях за последние годы проведены научные исследования зарубежными учеными, как L.Diez (Испания), С.Oliveira (Португалия), G.Draper (Англия), С.Giliberti (Италия), D.Peter, A.Valberg (США), К.Yamazaki (Япония), Т.К.Kler (Индия), J.Isabona (Нигерия), He Jun (Китай), К.Schwingschuch (Франция), G.Neubauer (Австрия) и другие. Кроме них, эти проблемы изучены в работах учёных СНГ В.И.Мордачева (Белоруссия), А.Л.Бузова, О.Н.Маслова, М.Ю.Звездина, Ю.М.Сподобаева (Россия) и др.

